

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019 Psi.72.06.**

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭЛОВ ЗИЁДУЛЛО САТТОРОВИЧ

**ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИДА СУИЦИДАЛ ХУЛҚ
МОТИВАЦИЯСИ НАМОЁН ЭТИЛИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
Доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
psychological sciences**

Элов Зиёдулло Сатторович.

Ички ишлар ходимларида суицидал хулқ мотивацияси намоён этилишининг
ижтимоий-психологик механизмлари5

Элов Зиёдулло Сатторович.

Выявление социально-психологических механизмов мотивации
суицидального поведения сотрудников органов внутренних дел.....23

Elov Ziyodullo Sattorovich.

Socio-psychological mechanisms of motivation for suicidal behavior among
employees of internal affairs bodies..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....49

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019 Psi.72.06.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭЛОВ ЗИЁДУЛЛО САТТОРОВИЧ

**ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИДА СУИЦИДАЛ ХУЛҚ
МОТИВАЦИЯСИ НАМОЁН ЭТИЛИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Psi46 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг (www.psi-ik.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Баратов Шариф Рамазонович
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Умарали Дўстқобилович
психология фанлари доктори, доцент

Душанов Рустам Хўжанович
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD03/30.12.2019 Psi.72.06. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “_____” соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Бухоро шаҳри Мухаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел: _____; факс _____ Бухоро Давлат университети маъмурий биноси 2-қават анжуман зали).

Диссертация билан Бухоро Давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: Бухоро шаҳри Мухаммад Иқбол кўчаси 11-уй, БухДУ бош ўқув биносида “А” қисми 2 қават, _____).

Диссертация автореферати 2021 йил “__” _____ да тарқатилди
(2021 йил “__” _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).



М.А.Утепбергенов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, психол. ф.д., профессор

Д.А.Собирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

А.М.Жабборов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психол. ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) нинг 2019 йил маълумотларига кўра Австрияда 100 минг киши аҳолисига ўз жонига қасд қилиш - 24, Канадада - 15, Данияда - 18, Финляндияда – 28,4, Испанияда – 8,7 нафарни ташкил этади. Кўпгина давлатларда миллионлаб инсонларнинг ўлимига сабабчи бўлган суицид ва уни келтириб чиқарадиган ижтимоий-психологик омилларни ўрганиш ва бартараф қилиш бугунги кунда инсоният олдида турган глобал муаммолардан бири ҳисобланади.

Дунёда ички ишлар ходимлари учун ҳар томонлама етук, касбий компетентликка эга бўлган кадрларни тайёрлашга доир илмий изланишларга бўлган талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Чунки, ички ишлар органларида фаолият юритувчи ходимлардаги суицидиал хулқ мотивациясига мойиллик даражаларининг аниқланиши ушбу тизимдаги психодиагностик, психопрофлактик ва психокоррекцион ишлар самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис ички ишлар ходимлари фаолиятига таъсир қилувчи ижтимоий-психологик омилларнинг илмий жиҳатдан тадқиқ қилиниши мазкур соҳа вакилларига психологик хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Мамлакатимизда ички ишлар органларида олиб борилаётган ислоҳотлар, айнан ушбу тизимда, масъулиятли, иродали ва фидойи кадрларни етиштириш вазифасини қўймоқда. Ушбу вазифанинг бажаралиши ички ишлар тизимида соғлом психологик муҳитнинг яратилиши билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон «Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш жамоат тартиби ва фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сон «Ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади¹.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни

¹“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й. - 6 (766) - Б. 38-44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрель кундаги ПҚ-2882-сон Қарори.

маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ички ишлар ходимларида суицидал хулқ -атвор ва суицидал хавф омиллари бир қатор мамлакатимиз ва чет эл олимлари томонидан тадқиқ қилинган. Ушбу масалаларга бағишланган илмий тадқиқотлар чет эл психологлари В.Ф. Бойцех, Е.М. Вроно, Э. Дюркгейм, К. Меннингер, З. Фрейд ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган².

А.В. Боева, Д.И. Шустов, Н.В. Верещагина, А.Р. Коршунова каби рус олимлари тадқиқотларида, ички ишлар ходимларида суицидал хулқ мотивациясининг компонентлари ва функциялари очиб берилган³.

Илмий манбалар тадқиқи шуни кўрсатадики, суицидал хулқ-атвор кўпгина омиллар билан детерминантлашган, улар орасида шахс тавсифига катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, А.Г. Амбрумова эътироф этганидек, шахс ва унинг фаолиятидаги ноадекват ҳаракатлар ижтимоий психологик дезадаптация намоиши сифатида суицидал хулқ-атворни англаш учун таянч асосини ташкил этади⁴.

А.Г.Амбрумова, Э.Гроллман, А.А.Фролова, А.Е.Личко, Ю.Г.Касперович, А.М.Сисоев, М.Я.Феноменовларнинг тадқиқотларида эмоционал вазифаларга нисбатан паст толерантлик, қатъийлик, ноадекват фикрлаш, коммуникатив номутаносиблик, ўз имкониятларини нотўғри баҳолаш, шахснинг психологик муҳофазаси, ҳаёт қадрининг пасайиши ва йўқолиши, перфекционизм, когнитив ригидлик, фикрлаш дихотомияси ва шунга ўхшаш суицидал хулқ-атвор мотивлари ўрганилган⁵.

²Бойцех В. Ф. Клиническая суицидология. – С. 236-242.; Дюркгейм Э. Самоубийство: Социологический этюд. Пер. с франц. М.: Просвещение, 2004. – 375 с.]; Меннингер К. *Война с самим собой*. - М.: ЭКСПО-Пресс, 2000. – С. 153.]; Фрейд З. Мы и смерть // Рязанцев С. Танатология (учение о смерти). СПб.: Восточно-Европейский институт психоанализа, 1994. – С. 5-42.; Freud S. *Mourning and melancholia* // Hogarth Press, London – 1997.

³Боева А. В. Клинические и социально-психологические характеристики суицидентов и методы краткосрочной кризисной психотерапии: на материале общемедицинской лечебной сети: Автореф. дис.... канд. мед. наук: 14.00.18 / Гос. науч. Центр соц. и судеб. психиатрии им. В.П. Сербского МЗ РФ. - М., 2004. – 23 с; Шустов Д.И. Аутоагрессивное поведение и алкоголизм (клинико-терапевтическое исследование): Дис. ... докт. мед. наук. Рязань, 2000. – 382 с.; Верещагина Н.В. Суицидальное поведение при психических расстройствах. – С. 146-147; Коршунова А. Р. Аффективно-когнитивный стиль репрезентаций отношений «Я-Другой» у лиц с суицидальными попытками: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.04 / Мое. гос. ун-т им. М.В. Ломоносова, 2005. – 179 с.

⁴Амбрумова А. Г. Непатологические ситуационные реакции в суицидологической практике // Научные и организационные проблемы суицидологии. - М., 1983. – С. 40-52.

⁵Амбрумова А.Г., Мотивы самоубийств // Социологические исследования. 1987. № 6. – С. 52-60]; Гроллман Э. Суицид: превенция, интервенция, поственция // Суицидология: прошлое и настоящее: Проблема самоубийств в трудах философов, социологов, психотерапевтов и в художественных тестах. - М.: Когито-Центр, 2001. – С. 281-286; Фролова А.А. Клинические особенности пограничных психических расстройств у работников опасных профессий // Рос. психиатр. 1998. № 4. – С. 49-51; Личко А. Е. Особенности саморазрушающего поведения при различных типах акцентуации характера у подростков // Саморазрушающее поведение у подростков. – Л., 1991. – С. 9-14; Касперович Ю. Г. Психологическое обеспечение профилактики суицидов среди сотрудников органов внутренних дел: Дис. ... канд. психол. наук. – М., 2004. – С. 39-49]; Сысоев А. М. Психология аутоагрессивного поведения и его предупреждение: Дис. ... канд. психол. наук:

Ўзбек олимларидан Ғ.Б. Шоумаров, У.Д. Қодиров, З.Р. Ибодуллаев, Н.А. Соғинов, Р.С. Самаров, В.М. Каримова К.Б. Қодиров, Б.М. Умаров, Ю.М. Асадов, Э.Ж. Нурымбетоваларнинг тадқиқотларида шахс, хулқ, девиант хулқ, суицидал хулқ-атвор намоён бўлишининг психологик хусусиятлари кўриб чиқилган⁶.

Юридик психологияда И.А. Кудрявцев, М.М. Коченов, В.Ф. Енгаличев, Ф.С. Сафуанов, И.И. Мамайчук, Е.Ю. Агзамова, Г.А. Нормуродов каби олимлар ўз тадқиқотларида суицидал хулқ-атворнинг шахс детерминантларини ўрганиш муаммоси, ўз жонига қасд қилганларга нисбатан, ўлимидан кейин ўтказиладиган психологик экспертиза ўтказишнинг методик хусусиятларини очиб берганлар⁷.

Ушбу тадқиқотларда шахсдаги суицидал хулқ атвор кўринишларининг турли хил ўзига хос хусусиятлари ўрганилган бўлсада, бироқ айнан ички ишлар ходимларида суицидал хулқ мотивациясининг намоён этилиши билан боғлиқ ижтимоий-психологик механизмларни тадқиқ қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг тақчиллиги яққол сезилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг ИТД–1. ЁА–1–9 рақамли “Аҳолининг турли қатламларига психологик хизмат кўрсатиш амалиёти” (2016–2018 йй.) амалий лойиҳа ва ОТ-Ф1 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2021 йй.) фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ички ишлар ходимларида суицидал хулқ мотивацияси намоён этилишининг илмий-амалий ва ижтимоий-психологик механизмларини аниқлаштиришдан иборат.

19.00.06. — Рязань, 2002. – 220 с; Феноменов М. Я. Причины самоубийств в русской школе. – М., 1914. – 130 с.

⁶ Ғ.Б. Шоумаров, У.Д. Қодиров. Суицид – ижтимоий муаммо сифатида //”Психология”журнали, №3, 2015. – Б.13-19; Реализация стратегии по предупреждению суицидов в Республике Узбекистан на 2010-2020. Методическое пособие. – Ташкент 2011; З.Ибодуллаев Асаб ва руҳият. Илмий оммабоп рисола.-тошкент 2019. – 312 б. Соғинов Н.А. Ўзбекистонда суицид ҳолатларини тадқиқ этиш: муаммо ва ечимлар. // ЎЗР.ИИВ ОХТБЮ “Суицид ҳолатларини олдини олишда психологик тайёргарлик масалалари” илмий-амалий семинар материаллари тўплами. 2013 йил 18 октябр, – Тошкент, 2013. – Б. 9-12; Ч. Насриддинов. “Ҳарбий психология”. – Т., 2004. – Б. 96-99.

⁷Кудрявцев И. А. Судебная психолого-психиатрическая экспертиза. — М., 1988. Гл. 5.2. посмертная КСПЭ особенностей личности при самоубийствах; Коченов М. М. Теоретические основы судебно-психологической экспертизы: Автореф. дис. ... док. психол. наук. – М., 1991. – 45 с.; Енгалычев В.Ф. Диагностика психического воздействия в процессе судебно-психологической экспертизы // Методы психологии. Материалы II Всероссийской научной конференции по психологии Российского Психологического Общества. — Ростов-на-Дону, 1997. – С. 96-98; Прикладная юридическая психология: Учебное пособие / Под ред. А. М Столяренко. – М.: Юнити-Дана, 2001. – 639 с.; Сафуанов Ф. С. Судебно-психологическая экспертиза в уголовном процессе: Научно-практическое пособие. – М.: Гардарика, Смысл, 1998. – С. 170-178; Мамайчук И.И. Экспертиза личности в судебно-следственной практике: Учебное пособие. — СПб.: Речь, 2002. – С. 215-236.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ички ишлар ходимлари орасида ўз жонига қасд қилишга мойиллик намоён этилишининг ижтимоий-психологик компонентларини аниқлаш;

ички ишлар ходимларидаги суицидал ҳолатларни тадқиқ қилишнинг методик апаратини такомиллаштириш орқали суицид мотивацияси шаклланишига бевосита таъсир қилувчи омиллар тизимини аниқлаш ва эмпирик таҳлиллар олиб бориш;

ички ишлар ходимларида депрессия даражаси ва психологик химоя механизмлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

ички ишлар ходимлари орасида суицидал ҳолатларни коррекциялашга қаратилган тренинг дастурларини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти ИИБнинг 100 нафар сафдор ходимлари, 100 нафар кичик офицер ва 100 нафар катта офицерлари, жами - 300 нафар ички ишлар органлари ходимлари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети ички ишлар органлари ходимлари орасида суицидал хулқ мотивацияси кўрсаткичларининг намоён этилиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида суҳбат, кузатув, анкета, контент-таҳлил ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС) методларидан, шунингдек, “Суицидал хавф сўровномаси” (Т.Н. Разуваева), “Психологик химоя механизмларини диагностика қилиш сўровномаси” (Келлерман-Плутчик-Конте сўровномаси асосида), “Депрессия даражасини аниқлаш методикаси” (В.А.Жмуров), “Депрессив ҳолатни дифференциал диагностика қилиш” методикаси (В.Зунга) ҳамда математик статистик методлари асосида К.Пирсон r -корреляцияси, Стьюдентнинг t мезони ва маълумотларни қайта ишлаш SPSS дастури имкониятларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

ички ишлар ходимлари орасида ўз жонига қасд қилишга мойиллик шаклланишининг мотивацион, когнитив ва хулқ-атвор компонентлари аниқланган;

ички ишлар ходимларидаги суицидал ҳолатларни тадқиқ қилишнинг методик апаратини такомиллаштириш орқали суицид мотивацияси шаклланишига бевосита таъсир қилувчи омиллар тизими (шахсий-оилавий, жисмоний-руҳий, касбий-жамоавий) очиб берилган;

ички ишлар ходимларида депрессия даражалари (енгил руҳий тушкунлик, ўрта депрессия, оғир руҳий тушкунлик) ва психологик химоя механизмлари (инкор этиш, сиқиб чиқариш, регрессия, компенсация, проекция, реактив тузилма) ўртасидаги корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари асослаб берилган;

ички ишлар ходимлари орасида суицидал ҳолатларни коррекциялашга қаратилган “ўзини-ўзи англаш”, ўз хулқини ўзгартириш, “гуруҳий бирдамликка эришиш” “ўзини-ўзи адекват назорат қилиш” каби тренинг дастурлари ишлаб чиқилган ва унинг ижтимоий-психологик механизм сифатидаги самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўз жонига қасд қилиш муаммосига оид илмий манбаларни таҳлил қилиш ва тадқиқот мақсадига мос равишда тизимлаштириш модели ишлаб чиқилган;

ички ишлар ходимларида суицидга мойиллик ва шахс типлари орасидаги корреляцион муносабатлар таҳлил қилинган;

ички ишлар ходимлари орасида суицидиал ҳолатларни бартараф этишга қаратилган ижтимоий-психологик тренинг дастурлари ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлигини баҳоланган;

суицидоген ва антисуицидоген омилларни интеграл таҳлил қилиш имконини берувчи, ички ишлар органлари ходимларининг суицидиал диагностикаси бўйича тавсифномалар ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот мобайнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аввало, қўлланилган методологик базанинг мукамаллиги, адекват тадқиқот методикаларининг қўлланганлиги, репрезентативлиги, ишончлилиги, эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил ва талқин этилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг математик статистика методларини самарали қўллашга имкон берувчи «MS EXCEL», «SPSS 20», дастурлари воситасида қайта ишланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан ички ишлар тизими ходимларининг психологик хавфсизлик билан боғлиқ фаолиятига кўмаклашиш усуллари ҳамда воситаларини такомиллаштиришда, бакалавр ва магистратура таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга доир Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда, ички ишлар тизимидаги ходимлар фаолиятини ривожлантириш бўйича психологик дастурлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилинганлиги. Ички ишлар органлари ходимлари орасида суицидал хулқ шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ички ишлар ходимлари орасида ўз жонига қасд қилишга мойиллик шаклланишининг мотивацион, когнитив ва хулқ-атвор компонентлари аниқланганлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг амалий фаолиятида жорий қилинган ҳамда Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 8-сонли буйруғига асосан "Ижтимоий психология" ўқув дастурига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 10 февраль №2/243-сонли маълумотномаси ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 августдаги П-М-8г-сонли маълумотномаси). Натижада таълим соҳаси учун тайёрланадиган психологларнинг касбий аҳамиятли таянч компетенцияларни шакллантириш ҳамда касбий тайёргарлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган.

ички ишлар ходимларидаги суицидал ҳолатларни тадқиқ қилишнинг методик апаратини такомиллаштириш орқали суицид мотивацияси шаклланишига бевосита таъсир қилувчи омиллар тизими (шахсий-оилавий, жисмоний-руҳий, касбий-жамоавий) аниқланганлиги ва эмпирик таҳлиллар ёрдамида асослаб берилганлиги Республика маънавият ва маърифат марказининг амалий фаолиятида жорий қилинган ҳамда Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 8-сонли буйруғига асосан ”Умумий психодиагностика” модулига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 03 март кунидаги №02/07-327-сонли маълумотномаси). Натижада бўлғуси психологларни ўқитишнинг илмий-услубий таъминотини такомиллаштиришга эришилган.

ички ишлар ходимларида депрессия даражалари (енгил руҳий тушкунлик, ўрта депрессия, оғир руҳий тушкунлик) ва психологик химоя механизмлари (инкор этиш, сиқиб чиқариш, регрессия, компенсация, проекция, реактив тузилма) ўртасидаги корреляцион боғлиқлик кўрсаткичларини илмий ва эмпирик жиҳатдан асослаб берилганлиги билан боғлиқ илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ва Республика маънавият ва маърифат марказининг амалий фаолиятида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 10 февраль №2/243-сонли маълумотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 03 март кунидаги №02/07-327-сонли маълумотномаси). Натижада Ички ишлар органлари тизимидаги суицидал ҳолатлар профилактикасининг ижтимоий-психологик принциплари кучайтирган;

ички ишлар ходимлари орасида суицидал ҳолатларни коррекциялашга қаратилган “ўзини-ўзи англаш”, ўз хулқини ўзгартириш, “туруҳий бирдамликка эришиш” “ўзини-ўзи адекват назорат қилиш” каби тренинг дастурлари Республика Ички ишлар вазирлиги фаолиятида жорий қилинган ҳамда Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 8-сонли буйруғига асосан “Ижтимоий психологик тренинг” модулига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 10 февраль №2/243-сонли маълумотномаси ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 августдаги П-М-8г-сонли маълумотномаси). Натижада бўлғуси психологларда шахс билан боғлиқ суицидал ҳолатларни олдини олишга қаратилган психокоррекцион ишларни самарадорлигига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари тўртта Халқаро ва олтига Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 9 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 186 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, диссертация тадқиқотининг олий ўқув юрти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан алоқадорлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек объекти, предмети ва методлари таърифланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий этилиши ва уларнинг апробацияси баён қилинган. Шунингдек, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Суицидал хулқ шаклланиши ижтимоий психологик муаммо сифатида”** деб номланган биринчи бобида ички ишлар органлари ходимлари орасида суицидал хулқнинг психологик хусусиятлари муаммосига оид илмий манбаларни таҳлил қилиш ва тадқиқот мақсадида мос равишда тизимлаштириш мақсадида, хориж, шу жумладан Россия, ҳамда ўзбекистонлик тадқиқотчилар ишларининг назарий таҳлили баён қилинган. Умуман суицидал хулқ тушунчасининг ижтимоий-психологик моҳияти ва уни тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий ёндашувларнинг илмий-назарий ва методологик асослари баён қилинган.

Бинобарин суицидал хулқ-атвор ва суицидал хавф омиллари бир қатор мамлакатимиз ва чет эл олимлари томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, А.Г. Амбрумова, В.Ф. Войцех, Э. Дюркгейм, Ю.Г. Касперович, К. Меннингер, З. Фрейд, А.В. Боева, Д.И. Шустов, Н.В. Верешагина, А.Р. Коршуновалар ўзбек олимларидан Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, И.Х.Арифходжаева, И.Р.Эргашев, Е.Ю.Агзамова, У.Д.Қодиров, З.Р.Ибодуллаев, Н.А.Соғинов, Р.С.Самаров, Б.М.Умаров, В.М.Каримоваларнинг тадқиқотлари билан боғлиқ илмий мушоҳадалар интерпретацияси берилди⁸.

⁸Амбрумова А. Г. Индивидуально-психологические аспекты суицидального поведения. – С. 46-54]; Бойцех В.Ф. Клиническая суицидология. – С. 236-242; Дюркгейм Э. Самоубийство: Социологический этюд. Пер. с франц. – М.: Просвещение, 2004. – 375 с.; Касперович Ю. Г. Психологическое обеспечение профилактики суицидов среди сотрудников органов внутренних дел: Дис. ... канд. психол. наук. - М., 2004. – С. 39-42.; Меннингер К. Война с самим собой. - М.: ЭКСПО-Пресс, 2000. – С. 153-155.; Фрейд З. По ту сторону принципа удовольствия //Психология бессознательного. - СПб., 2002. – С. 340-378.; Боева А.В. Клинические и социально-психологические характеристики суицидентов и методы краткосрочной кризисной психотерапии: на материале общемедицинской лечебной сети: Автореф. дис.... канд. мед.наук: 14.00.18 / Гос. науч. Центр соц. и судеб. психиатрии им. В.П. Сербского МЗ РФ. - М., 2004. - 23 с; См.: Шустов Д.И.

Суицидал хулқ-атвор тизимидаги шахс детерминантларини ўрганиш муаммосига багишланган катор тадқиқотларни, жумладан И.А. Кудрявцев, М.М. Коченов, В.Ф. Енгаличев, Ф.С. Сафуанов, И.И. Мамайчук кабиларни алоҳида қайд этиш мумкин⁹.

XIX асрнинг иккинчи ярмида, инсон кучли стресс ҳолатида ўз жонига қасд қилиши мумкин, деган фикр ҳукм суради. Француз психиатри Эскироль шу борада, психик касаллик ва ўз жонига қасд қилиш ўртасида муайян алоқадорлик борлиги ҳақидаги фикрни илгари сурган. Ушбу концепция тарафдорлари қаторида таниқли рус психиатрлари И.Ю.Белякова, А.О. Прохоров, Г.И.Гордон ва бошқалар номини қайд этиш лозим¹⁰.

Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб ҳар йили 1 млн одам суицид орқали ҳаётдан кўз юмади (*Жаҳон соғлиқни Сақлаш Ташкilotининг кейинги маълумотларига кўра*). Бу кўрсаткич 100 000 аҳолига ўртача 16 кишини ташкил қилади. Дунё миқёсида суицид бўйича энг олдинда бораётган давлатлардан Россия (26,5), Литва (25,7) ва Қозоғистон (22,8). Жанубий Корея (20,2), Белгия (15,7), Япония (14,3), АҚШ (13,7), Франция (12,1), Швецария (11,3), Германия (9,1), Исроил (5,2) кабиларда муайян даражадаги суицидал ҳаракатлар тенденцияси кузатилмоқда. Ушбу кўрсаткичлар ҳар йили ўзгариб турибди.

Депрессия ҳолати суицидал ҳолатни юзага келтирувчи энг асосий психологик бузилишлардан бири ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Д.И.Шустов депрессияни суицидал хулқ-атворнинг энг муҳим компонентлари бири деб, асослаб берди¹¹. Алоҳида депрессив феноменларнинг муҳокама қилиниши кўпгина илмий асарларда суицидал хулқ-атворнинг детерминанти сифатида келтирилган.

Агрессия, суицид и алкоғолизм. - М.: «Когито- Центр», 2004. – С. 22-26.; Верещагина Н.В. Суицидалное поведение при психических расстройствах. – С. 146-147; Коршунова А.Р. Аффективно-когнитивный стиль репрезентаций отношений «Я-Другой» у лиц с суицидальными попытками: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.04 / Мое. гос. ун-т им. М.В. Ломоносова, 2005. – 179 с.; Ғ.Б.Шоумаров Ўзбекистонда суицид ҳолатлари содир этилиши даражасини географик жойлашувлари Тошкент, 2013. – Б. 896; З.Ибодуллаев Асаб ва руҳият. Илмий оммабоп рисола. – Тошкент. 2019. – 312 б.; Соғинов Н.А. Ўзбекистонда суицид ҳолатларини тадқиқ этиш: муаммо ва ечимлар. //ЎзР.ИИВ ОХТБЮ “Суицид ҳолатларини олдини олишда психологик тайёргарлик масалалари” илмий-амалий семинар материаллари тўплами. 2013 йил 18 октябр, – Тошкент, 2013. – Б. 9-11; Ч. Насриддинов. “Ҳарбий психология”. – Т., 2004. – Б. 96-100.

⁹Кудрявцев И. А. Судебная психолого-психиатрическая экспертиза. – М., 1988. Гл. 5.2. посмертная КСПЭ особенностей личности при самоубийствах; Коченов М. М. Теоретические основы судебно-психологической экспертизы: Автореф. дис. ... док.психол. наук. – М., 1991. – 45 с.; Енгаличев В. Ф. Диагностика психического воздействия в процессе судебно-психологической экспертизы // Методы психологии. Материалы II Всероссийской научной конференции по психологии Российского Психологического Общества. — Ростов-на-Дону, 1997. – С. 96-98; Прикладная юридическая психология: Учебное пособие / Под ред. А. М Столяренко. - М.: Юнити-Дана, 2001. – 639 с.; Сафуанов Ф.С. Судебно-психологическая экспертиза в уголовном процессе: Научно-практическое пособие. – М.: Гардарика, Смысл, 1998. – С. 170-178; Мамайчук И.И. Экспертиза личности в судебно-следственной практике: Учебное пособие. – СПб.: Речь, 2002. – С. 215-236.

¹⁰Белякова И. Ю. Опросник суицидального риска // Практикум по психодиагностике. Прикладная психодиагностика. – М., 1992. – С. 21-25; Прохоров А. О. Психология неравновесных состояний. – М., 1998.–149; Гордон Г.И. Современные самоубийства // Русская мысль. 1912. № 5. – С. 74-93.

¹¹Шустов Д.И. Агрессия, суицид, алкоғолизм. – М. Когито Центр, 2004. – С. 175-179.

Шубҳасиз, суицидал тенденциялар ривожланишига депрессия таъсир этиши мумкин. А.Г.Амбрумова томонидан ўтказилган тадқиқотларда депрессив касалларнинг суицидал хулқ-атвори генезисида атроф-муҳит таъсири шахснинг ижтимоий-психологик тузилиши ва патопсихологик белгиларнинг алоҳида инобатга олиниши таъкидланган¹².

Суицидал хулқ-атворнинг табиий детерминантларини тадқиқ этиб, К. Ясперс инсон организмидаги биологик ва психологик жараёнларга куннинг вақти, йил фасллари, об-ҳаво, иқлим алмашиши таъсир қилади, деб ҳисоблаган¹³.

Дунё бўйича Италия, Испания, Греция, Албания, Буюк Британия, Голландия, Норвегия, Ирландия давлатларида, шунингдек кўпчилик Африка мамлакатларида суицидал ҳолатлар кам учрайди. Бу борадаги энг яхши кўрсаткич эса араб ва мусулмон мамлакатларидадир (Саудия Арабистони, Эрон, Ироқ, Баҳрайн ва ҳ.к.). Уларда бу ҳолат деярли кўзга ташланмайди¹⁴.

Ўзбекистонда ҳам суицидлар даражаси географик жойлашиши бўйича фарқланади. Масалан, Ғ.Б. Шоумаров ва У.Д.Қодировлар (2015) томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, Ўзбекистон суицид кам тарқалган мамлакатлар қаторига кирсада, (бу кўрсаткич ҳар 100 минг аҳолига 5,8 ни ташкил этади). Ўз жонига қасд қилиш асосида оламдан ўтган фуқаролар сони вилоятларда сақланиб қолмоқда.

Бутун дунё мамлакатларининг ички ишлар органлари ходимларида касбий стресс асоратлари муайян чегаралардан чиқиб кетмоқда. Буларга ходимларнинг ишдан бўшаши, психик номутаносибликлар, ичкиликка ружу қўйиш, суицидлар, оила ажралишларини киритиш мумкин.

Юқоридаги илмий таҳлиллар ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида суицидал хулқ мотивацияси шаклланишига муаммо сифатида қарашни, уни бугунги кунда касбий фаолияти доирасида (ички ишлар органлари ходимлари мисолида) янада мукамалроқ таҳлил қилиш учун ўзига хос эмпирик маълумотларга асосланган таҳлиллар зарурлигини тақозо этади. Умуман олганда, суицид, суицидал омилларга нисбатан тарихда ва бугунги кунда турли хил мунозарали фикрлар мавжуд бўлиб, бу қарашлар турли манбаларда, жумладан, Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ижодида, диний таълимотларда, илғор психология вакилларининг илмий асарларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, суицид муаммоси психологияда ўзининг муайян назарий-методологик базасига эга бўлса-да, ушбу муаммога дахлдор тадқиқотлар миқдори тақчиллигича қолмоқда.

Умуман, биринчи боб бўйича ўрганилган адабиётлар таҳлили муаммонинг муайян назарий ва методологик асослари ҳақида тегишли маълумотларни баён этади.

“Ички ишлар органлари ходимлари орасида суицидал хулқ намоён этилишини тадқиқ услуби” деб номланган диссертациянинг иккинчи

¹² Амбрумова А.Г. Индивидуально-психологические аспекты суицидального поведения. – М. 1983. – С. 46-54.

¹³ Ясперс К. Общая психопатология. Практика. 1997. – 105 с.

¹⁴ З.Ибодуллаев. Асаб ва руҳият Илмий-оммабоп рисола. – Тошкент. 2019. – 312 б.

бобида тадқиқотнинг экспериментал модели, методикалари ва уларни қўллаш тартиби, шунингдек, суицидал ҳолатларни тадқиқ қилувчи методларнинг ўзаро корреляцион боғлиқликлари ҳақида ўтказилган эмпирик тадқиқотлар натижалари баён қилинган. Айти пайтда, суицидал хулқ мотивацияси шаклланишининг ижтимоий-психологик омилларини белгилаш ва уларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиш учун тегишли усулларни танлаш ва саралашга тўғри келди. Унга кўра, кўп йиллик тажрибаларимиз ва тегишли илмий адабиётлар устида олиб борилган таҳлилларимизга асосланиб, суицидал хулқнинг психологик хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган махсус методикалар ва ички ишлар органлари ходимлари орасида суицидал хулққа мойилликнинг намоён этилишини тадқиқ қилиш билан боғлиқ тадқиқот услуби белгиланди.

1-жадвал

“Депрессия даражаси ва психологик ҳимоя механизми орасидаги корреляцион боғланиш натижалари (Сафдор ходимлар мисолида) n=100

№	Мезонлар	Ахамиятсиз депрессия	Енгил рухий тушқунлик	Ўртача депрессия	Оғир рухий тушқунлик	Инкор этиш	Сикиб чиқариш	Регрессия	Компенсация	Проекция	Ўрин алмаштириш	Рационализация	Реактив тузулма
1	Ахамиятсиз депрессия	1	,230*	-062	-,082	,026	,084	,018	-,205*	-055	,107	,312*	-,167
2	Енгил рухий тушқунлик	,230*	1	-014	-,105	,040	,124	,067	-,078	,090	-077	-051	-,085
3	Ўртача депрессия	-,062	-,014	1	,048	,175	-,023	-,058	,026	-009	,026	,054	,095
4	Оғир рухий тушқунлик	-,082	-,105	,048	1	,040	-,024	-,022	,049	-134	,254*	,030	,219*
5	Инкор этиш	,026	,040	,175	,040	1	,326**	,125	-,202*	-107	-155	,031	-,024
6	Сикиб чиқариш	,084	,124	-,023	-,024	,326**	1	,133	-,177	-087	,086	-039	-,097
7	Регрессия	,018	,067	-,058	-,022	,125	,133	1	,007	-042	,153	,026	-,026
8	Компенсация	-,205*	-,078	,026	,049	-,202*	-,177	,007	1	-,248*	,310**	,135	,088
9	Проекция	-,055	,090	-,009	-,134	-,107	-,087	-,042	-,248*	1	-,407**	,164	,141
10	Ўрин алмаштириш	,107	-,077	,026	,254*	-,155	,086	,153	,310**	-,407*	1	-,087	-,050
11	Рационализация	-,312**	-,051	,054	,030	,031	-,039	,026	,135	,164	-,087	1	,107
12	Реактив тузулма	-,167	-,085	,095	,219*	-,024	-,097	-,026	,088	,141	-,050	,107	1

Бинобарин, Келлерман-Плутчикнинг “Психологик химоя механизмларини диагностика қилиш сўровномаси” Т.Н.Разуваеванинг “Суицидал хавф сўровномаси”, В.Зунганинг “Депрессив ҳолатларни дифференциал диагностика қилиш методикаси” ва унинг тадқиқот мақсадига мослиги ҳам алоҳида мезонлар асосида таҳлил қилинди.

Шунингдек, мазкур бобда тадқиқот объекти сифатида белгиланган ички ишлар органлари ходимлари (сафдор ходимлар, кичик ва катта офицерлар) орасида содир қилинадиган суицидал ҳолатларни диагностика қилишга қаратилган методлар орқали аниқланган мезонлар ўртасидаги ўзаро корреляция таҳлиллари амалга оширилди (1-жадвалга қаралсин).

Мазкур жадвалда ички ишлар идораларида фаолият юритувчи сафдор ходимлар мисолида В.А.Жмуровнинг “Депрессия даражасини аниқлаш методикаси” ва Клерман-Плутчукнинг “Психологик химоя механизми” методлари орасидаги корреляцион боғлиқлик натижалари қайд қилинди. Жумладан, ушбу таҳлилларда методика мезонлари орасидаги мусбат ва манфий корреляцияни кузатиш мумкин. Қўшимча усуллар орқали ходимларни ўрганганимизда, сафдор ходимларнинг руҳий тушкунлик ҳолатларида онгсиз равишда психологик химоя механизмларини чақирилиши ҳам кузатилди. Жумладан, ходимлар орасида руҳий тушкунлик ҳолатининг юзага келиши улардаги компетенция, рационализация химоя механизмларини чақирилишини намаён қилди.

Иккинчи жадвалда қайд этилган натижалар ҳам тадқиқот моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан: кичик офицерларнинг натижаларида сафдор ходимларнинг натижаларига нисбатан сезиларли даражадаги фарқлар кузатилди. Яъни, кичик офицерларда сафдор ходимларга нисбатан руҳий тушкун ҳолатлар камроқ кузатилди. Демак, кичик офицерлар аксарият ҳолатларда юзага келадиган касбий, шахсий фаолиятдаги руҳий вазиятларга объектив жиҳатдан муносабат кўрсатар эканлар (2-жадвалга қаралсин).

Демак, ички ишлар тизимидаги ходимларнинг психологик химоя механизмлари лавозим, масъулият, дахлдорлик жиҳатлари билан ҳам боғлиқ бўлар экан. Яъни, сафдор ходимларга нисбатан офицерларда руҳий тушкунлик ҳолатлари кўпроқ учрасада, улардаги психологик химоя механизмлари аксарият ҳолларда касбий масъулият ва компитентлик талаблари асосида шаклланар экан.

Тадқиқот давомида, ички ишлар органлари ходимларида суицидга мойиллик сабабларини аниқлашга қаратилган қўшимча контент таҳлил усулларида ҳам фойдаланилди. Бунда ички ишлар органлари ходимларининг кўп маротаба такрорланган жавоблари алоҳида тадқиқ қилинди. Бу эса мазкур тизим ходимларида суицидни келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилишни тақозо этади.

2-жадвал

**“Депрессия даражаси билан “Психологик ҳимоя механизми” методи
натижалари орасидаги корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари
(кичик офицерлар мисолида) n=100**

№		Аҳамиятсиз депрессия	Енгил рухий тушқунлик	Ўртача депрессия	Оғир рухий тушқунлик	Инкор этиш	Сикиб чиқариш	Регрессия	Компенсация	Проекция	Ўрин алмаштириш	Рационализация	Реактив тузулма
1	Аҳамиятсиз депрессия	1	-,154	-,263**	-,187	-,064	,126	-,178	,150	-,039	-,007	-,126	-,188
2	Енгил рухий тушқунлик	-,154	1	,024	,006	-,071	-,182	,140	-,105	-,024	-,122	-,027	-,022
3	Ўртача депрессия	-,263**	,024	1	,007	-,004	-,017	,052	-,023	-,096	,074	,077	-,015
4	Оғир рухий тушқунлик	-,187	,006	,007	1	-,023	-,092	-,016	,070	-,010	,092	,041	,029
5	Инкор этиш	-,064	-,071	-,004	-,023	1	,335**	,011	,064	,073	,040	,077	,192
6	Сикиб чиқариш	,126	-,182	-,017	-,092	,335*	1	-,076	,439*	-,122	,202*	-,274**	-,001
7	Регрессия	-,178	,140	,052	-,016	,011	-,076	1	,119	-,229*	,122	-,102	-,184
8	Компенсация	,150	-,105	-,023	,070	,064	,439**	,119	1	-,248*	,424*	-,358**	,027
9	Проекция	-,039	-,024	-,096	-,010	,073	-,122	-,229*	-,248*	1	-,352**	,215*	,208*
10	Ўрин алмаштириш	-,007	-,122	,074	,092	,040	,202*	,122	,424*	-,352**	1	-,252*	,200*
11	Рационализац ия	-,126	-,027	,077	,041	,077	-,274**	-,102	-,358**	,215*	-,252*	1	,118
12	Реактив тузулма	-,188	-,022	-,015	,029	,192	-,001	-,184	,027	,208*	,200*	,118	1

Қўлга киритилган маълумотларнинг эмпирик интерпритациясидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, ички ишлар ходимлари орасида суицидал хулқнинг ижтимоий-психологик омилларини тадқиқ қилиш муаммосини махсус ўрганишга бағишланган методикалар, контент – таҳлиллар, анкета саволлари, тестлар ва қўшимча усуллар мажмуасининг қўлланилиши тадқиқотнинг амалий-тадбиқий вазифаларини кенгроқ қўламда очиб бериш имконини яратди.

Демак, юқоридаги таҳлилларимиз у ёки бу даражада намоён этилиши мумкин бўлган суицидал ҳолатларни эмпирик жиҳатдан ўрганиш натижалари бўлиб, унда ички ишлар ходимлари фаолиятида учраб турган суицидал хулқ-атворга дахлдор тафсилотларни ўз ичига олганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Кейинги бобда эса айнан биз кузатган ва ўрганган коррекцион ёндашув масалаларига алоҳида этибор қаратилади.

Диссертациянинг **“Ички ишлар ходимларида суицидал хулқ мотивациясини коррекциялашнинг эмпирик асослари”** деб номланган учинчи бобда коррекцион дастур усулларининг самарадорлиги муайян

статистик таҳлиллар асосида тадқиқ қилинди.

Бунда асосан, тадқиқот мақсадига мослаштирилган тренинг дастурининг моҳияти ва аҳамияти баён этилди. Мазкур тренинг дастурини шакллантиришда биз ҳозиргача яратилган суицидал хулқ мотивациясини психокоррекция қилишга мўлжалланган тренинг дастурлари ва моделларини методологик асос сифатида қабул қилдик.

Тренинг дастурини қўллашда, қуйидаги ҳолатлар яққол намоён этилди. Жумладан, биринчи ҳолатда тренинг шахс ўзгаришига олиб келувчи аниқ хулқ-атвор намуналарини шакллантириш омили бўлиб гавдаланса, иккинчи ҳолатда асосий самара ходимнинг ички психологик ҳолатида кузатилади, яъни дастлаб шахснинг ички дунёси (ўзини ўзи баҳолаш, мотивация, қадриятлар тизими ва бошқалар), кейин эса хулқ-атвори ўзгаради. Шу билан бир қаторда тренингнинг самарадорлик мезонлари ҳам бир-биридан фарқланади: айрим мезонлар объективдир (масалан, иштирокчиларда қандайдир малаканинг шаклланганлик даражаси), бошқа баъзи мезонлар субъективдир (масалан, иштирокчиларнинг ўз шахсий ҳолатидаги ўзгаришлар ҳақидаги ҳис-кечинмалар).

Тренинг дастурида О.В.Немиринский томонидан таклиф этилган тўрт босқичли тизим имкониятларидан ҳам ўрни билан фойдаланилди¹⁵.

Умуман, юқоридаги методологик асослар бўйича ташкил этилган ижтимоий-психологик тренинглар дастури, Бухоро вилояти ички ишлар органларининг сафдор ходимлари, кичик офицерлари ва катта офицерлари иштирокида ўтказилди.

Мазкур ижтимоий-психологик тренинг машғулотларини ўтказганимиздан сўнг ички ишлар органлари ходимлари хулқ-атворида ижобий ўзгаришлар содир бўлган ёки бўлмаганлиги алоҳида таҳлил қилинди ва муайян даражадаги ижобий ўзгаришлар кузатилди.

Энди, бевосита дастурни қўллашдан олдинги ва кейинги натижаларнинг қиёсий таҳлилларига ўтамиз.

Олиб борилган таҳлилларимиз натижасига кўра, сафдор ходимлар орасида тренингдан сўнг энгил, ўртача ва оғир руҳий тушкунлик ҳолатлари кўрсаткичлари пасайган, мазкур руҳий ҳолатларнинг бартараф этилиши ходимлар орасидаги суицидал ҳолатларни камайтирган. Айнан тренинг машғулотларидан сўнг сафдор ходимлар орасида ўзлари учун ёқимли бўлмаган ҳолатларда руҳий тушкунлик эмас, балки, масалага объектив ечим излаш ҳолати кучайган, тазйиқларга адекват жавоб бериш ҳолатлари анча тикланган.

Аниқроғи, тажриба гуруҳларидаги сафдор ходимларда энгил руҳий тушкунлик кўрсаткичлари 9 нафар (18%)дан 24 нафар (48%)га, ўрта руҳий тушкунлик 12 нафар (24%)дан 18 нафар (36%)га кўтарилганлиги ва шу билан бирга оғир руҳий тушкунлик ҳолати эса 29 нафар (59%)дан 8 нафар (16%)га

¹⁵ О.В.Немиринский. Некоторые аспекты суицидального поведения у акцентуированных личностей в юношеском возрасте// Саморазрушающее поведение подростков. - Л., 1991. – С. 36-41.

тушганлиги каби ҳолатларнинг кузатилиши биз ўрганган сафдор ходимлар фаолиятида ижобий ўзгаришларнинг намоён этилишни кўрсатиш орқали тренинг самарадорлигини ҳам яна бир бор тасдиқлайди (3-жадвалга қаралсин).


Тажриба гуруҳларидаги кичик офицерлар мисолида ҳам олиб борилган психокоррекцион ишлар самарадорлигини яққол кузатиш мумкин. Қолаверса, енгил руҳий, тушкунлик ҳолатининг намоён этилиши бўйича респондентлар сонининг 7 нафар (14%)дан 21 нафар (42%)га ошганлиги ва шу билан бирга оғир тушкунлик ҳолати кўрсаткичларининг 27 нафар (52%)дан 10 нафар (20%) га тушганлиги фикримизнинг яққол далилидир (3-жадвал).

